ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ПРЕЗИДЕНТ ИЛҲОМ АЛИЕВ ҲУЗУРИДА ИККИ МАМЛАКАТ ҲУКУМАТЛАРИ, ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ ЎРТАСИДА 18 ТА ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

№ 23 (1172) 2022 йил 22 июнь, чоршанба

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа боштаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

НИКОҲНИ БИР ОЙДАН СЎНГ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА 3

БУЮК БАХТ ВА ШАРАФГА ЛОЙИҚЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЯПМИЗ 4

КОНСТИТУЦИЯ БОЛАЛАРИМИЗ БАХТИ ВА КАМОЛИНИНГ КАФОЛАТИГА АЙЛАНАДИ 5

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шундай халқлар қаторига бемалол қўша оламиз. Ҳар икки миллат вакиллари бир-бирини таржимасиз тушуна олади. Турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда муштарак жиҳатларни кўплаб учратиш мумкин.

Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар ҳам бор. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш "Авесто" китоби, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ўлмас дурдоналари саналган "Гўрўғли", "Ошиқ Ғариб", "Дада Қўрқут" достонлари ана шу азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек мусиқасининг гултожи саналган нодир мақомларимиз ва бетакрор Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи Ҳайдар Алиев номидаги янгиланган кўча ва унинг ёдгорлиги очилишидан бошланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси ва биродар озарбайжон халқига ўз ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

– Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Ҳайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг очилиш маросимидан бошлангани катта рамзий маънога эга.

У киши XX асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди. Ҳайдар Алиевнинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва беқиёс етакчилик сифатлари туфайли ёш суверен давлат барча қийинчилик ва синовларни муносиб енгиб ўтди, – деди Президентимиз.

Давоми 2-бетда

ТОШКЕНТДА ҲАЙДАР АЛИЕВ НОМИДАГИ ЯНГИЛАНГАН КЎЧА ОЧИЛДИ

> Бугун биз иқтисодий ҳамкорлик, бизнес тузилмалари ўртасидаги алоқалар, хавфсизлик ва мудофаа қобилияти, маданий-гуманитар алоқалар тўғрисида фикр алмашдик. Яъни, кенг маънода айтадиган бўлсак, фаол ҳамкорлигимиз учун пойдевор яратилмоқда.

Ёшлар фикри тингланди

Ёшлар ижод саройида Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис Сенати, "Камалак" болалар ташкилоти, Ёшлар парламенти вакиллари ва фаол ёшлар иштирокида "Конституциявий ислоҳотларнинг ёшлар ва болалар ҳуқуқларини мустаҳкамлашдаги ўрни" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ёшлар ўз таклиф ва фикрларини билдирди.

Хусусан, давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳволидан қатъий назар таълимни давом эттиришларини кафолатлаши, ҳар ким ахборот ресурслари, коммуникация технологиялари ва интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари қонунларда белгиланган доирада ўз-ўзини бошқариш, академик эркинлик, тадқиқотлар ўтказиш ҳамда ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши каби таклифлар билдирилди.

ЎзА

Президент таклифлари миллионлаб юртдошларимиз дилидаги гаплар бўлди

Тан олиш керак, Ўзбекистон етакчисининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидаги фикр-мулоҳазалари конституциявий ислоҳотлар ҳақидаги тушунчаларимизни бутунлай ўзгартириб юборди.

Учрашув давомида Президент томонидан билдирилган таклифлар инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари қўламининг ниҳоятда кенг эканини кўрсатиб қўйди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, учрашувда Бош Қонунимиз ислоҳоти билан боғлиқ халқимиз фаровонлиги, давлатимиз тараққиётига хизмат қилувчи кўплаб муҳим таклифлар илгари сурилди. Қувонарлиси, Давлат раҳбари томонидан билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг асосий қисми партиядошларимиз томонидан билдирилаётган таклифлар билан ҳамоҳангдир.

Давоми 3-бетда

7 МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИДА ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК

6 ТУРИНГ, «ГУБЕРНАТОР» КЕЛЯПТИ!

ЖАЛАҚУДУҚДА МУҚАДДАСХОН ИСМЛИ ДЕПУТАТИМИЗ БОР! 4

АСОСИЙ МАҚСАД:

- ✓ ИНСОН,
- ✓ УНИНГ ҲАЁТИ,
- ✓ ЭРКИНЛИГИ,
- ✓ ҚАДР-ҚИММАТИ,
- ✓ ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
- ✓ МАНФААТЛАРИНИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАРАЖАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР

5

2022 йил июнг 22 июнь сонлари учун: 1 АҚШ доллари 10895.99. 1 ЕВРО 11514.88. 1 Россия рубли 199.74. 1 Англия фунт стерлинги 13396.62. 1 Япония иенаси 80.46.

ISSN 2010-7714

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№23 (1172)
22 июнь 2022 йил, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН:
ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

(Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон умуммиллий етакчиси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва қардош халқларимизнинг тарихий ришталарини изчил мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, ушбу ташриф унинг пандемиядан кейинги илк хорижий ташрифи эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига Ҳайдар Алиевнинг ёрқин хотирасини асрабавайлашга қаратилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди.

– Азиз қардошим Шавкат Миромоновичдан Тошкент марказида отам Ҳайдар Алиев хотирасига бағишлаб шундай кўркам гўшани барпо этиш ташаббуси учун жуда миннатдорман. Биз буни ўзбек қардошларимизнинг буюк етакчимизга, умумий тарихимизга чинакам биродарона муносабати сифатида қабул қиламиз. Бу бутун Озарбайжон халқига ҳурмат ифодаси ҳамдир, – деди Озарбайжон етакчиси.

Маросимда зиёлилар, нуронийлар, озарбайжон юртдошларимиз ҳам сўзга чиқди. Улар Ҳайдар Алиев номидаги обод кўча ва хиёбон қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин рамзи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб 40 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилмоқда. 2003 йилда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган. 2010 йилда Озарбайжон элчихонаси қошида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг янги биноси очилган.

Шундан сўнг Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни кутиб олди.

Давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Мамлакатларимиз етакчилари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимда Ўзбекистон ва Озарбайжон расмий делегациялари аъзолари иштирок этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

2021 йил сентябрь ойида Озарбайжонда мамлакатимиз автомобилларини йиғиш корхонасининг ишга туширилгани муваффақиятли қўшма лойиҳалардан бири бўлди. Ташриф арафасида ўтказилган бизнес-форумда умумий қиймати ярим миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари учрашув чоғида икки мамлакат ҳудудида нефть-газ, газ-кимё, тўқимачилик, фармацевтика, виночилик ва озиқ-овқат тармоқларида саноат кооперацияси истиқболларини муҳокама қилдилар.

Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Транспорт йўлакларини ривожлантириш, юк ташиш тарифларини мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликдаги ишбилармонлик ва маданий тадбирларни ўтказиш, сайёҳлар алмашинувини кўпайтириш муҳим эканини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий вазият юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишни очар экан, Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт билан синалган, ишончли стратегик шериги эканини таъкидлади. Мамлакатларимизни дин, маънавий қадриятлар муштараклиги, анъаналар, тил ва маданият ўхшашлиги боғлаб туради.

Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражага чиққани, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга интилиш қатъий эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлик учун мавжуд улкан салоҳиятни ишга солиш, икки мамлакат иқтисодиётини тўлдириб турувчи омиллардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, виночилик, озиқ-овқат, қурилиш, нефть-газ, газ-кимё, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда қатор лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Мамлакатларимизда истиқболли кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш мақсадида қўшма Инвестиция фондини ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш учун давлатларимиз ҳудудидаги эркин иқтисодий зоналарда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу маънода, транспорт коммуникациялари тизимидан, шу жумладан, "Боку – Тбилиси – Қарс" темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари келишиб олинди. Икки томонлама савдо ва товарлар транзити йўлидаги тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш учун транспорт вазирлари раҳбарлигидаги махсус ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши – қишлоқ хўжалиги. Бу борадаги имкониятлар қайд этилар экан, мутасадди вазирларга ипакчилик кластерини ташкил этиш, ғўзачиликдаги лойиҳаларни илгари суриш, инновацион ишланмаларни жорий қилиш бўйича "йўл харитаси"ни келишиб олиш топширилди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда ҳудудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутади. Томонлар яқин фурсатда мамлакатларимиз пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишига келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари жорий йилда Тошкент шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми ва уларнинг саноат салоҳиятига бағишланган кўргазмани ўтказиш таклифини илгари сурди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши қайд этилди. Президентлар бу борада алоҳида дастур қабул қилиш ва қўшма туризм ярмаркасини ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар чоғида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, Маданият ва кино кунларини ўтказиш, олий таълим даргоҳлари, илмий муассасалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш юзасидан қатор бошқа келишувларга ҳам эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Ҳудудлараро ҳамкорлик, саноат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳаларидаги ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидан.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон делегациясини самимий қутлаб, икки халқ муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

– Маънавий қадриятларимиз, динимиз бир, маданият ва тилимиз ўхшаш, – деди Шавкат Мирзиёев. – Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний асарларида Озарбайжоннинг шарқ ва ғарб тамаддунлари бир-бирини бойитган кўплаб шаҳарлари тилга олинган. Шарқшунослик институти фондларида эса Низомий, Хоқоний, Тусий, Фузулий, Хатоий ва бошқа озарбайжон шоир ва мутафаккирларининг ўнлаб ноёб қўлёзмалари авайланиб сақланмоқда.

Бу ўзбек халқи азал-азалдан озарбайжон маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билдириб келаётганининг яна бир далилидир, деб таъкидлади Ўзбекистон етакчиси.

– Тор ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувларда икки томонлама кун тартибидаги масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Музокаралар ҳамкорлигимизни халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга тайёрлигимизни кўрсатди. Салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Улар орасида икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб берадиган Стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди. Биз ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини ҳам белгилаб олдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар ҳамкорликни тубдан фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги, энг аввало, иқтисодиётларимизнинг бир-бирини тўлдириб туришига ишонч билдирдилар.

Ҳожиқабул шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, ипакчилик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланаётгани бунга мисол. Қазиб чиқариш, нефть-кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, виночиликда ўнлаб янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Навбатдаги стратегик йўналиш – стратегик коммуникацияларни ривожлантириш. Бугун юкларни, шу жумладан, "Боку – Тбилиси – Қарс" темир йўли орқали ташиш ҳажми ортиб бормоқда. Томонлар янги йўлакларни ташкил этиш, мультимодал ташишларни кўпайтириш, транспорт корхоналари учун қулай шарт-шароитлар яратишга келишиб олдилар.

Иқлим билан боғлиқ хатарлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, музокараларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Илмий ва инновацион ечимлар билан фаол алмашиш, аграр тармоқни рақамлаштириш бўйича шерикликни йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қарор қилинди.

Музокараларда ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунга жорий йил кузида Тошкент шаҳрида биринчи Ҳудудлар форумининг ўтказилиши хизмат қилади.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз азалдан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Музокаралар якунида Маданият ва кино кунларини ўтказиш, гуманитар ва туризм алмашинувига доир дастурларини ривожлантиришга ахдлашиб олинди.

– Озарбайжон Президентининг тарихий аҳамиятга эга давлат ташрифи олдинга ташланган улкан қадамдир. Бугун биз биродар халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва мамлакатларимиз стратегик шериклигини чуқурлаштириш учун барча шароитларни шакллантирдик, – деди Ўзбекистон Президенти.

Президент Илҳом Алиев таклиф учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон эришаётган ютуқлардан хурсанд эканини таъкидлади.

– Қардош Ўзбекистон заминида бўлиб турганимдан, Сиз билан икки томонлама муносабатларнинг кенг доираси ва ташқи сиёсий кун тартибидаги муҳим масалаларни муҳокама қилишдан мамнунман, – деди Илҳом Алиев. – Ўйлайманки, бу ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли ташриф. Чунки муҳокама қилинган мавзуларнинг моҳияти, шакли, мазмуни бўйича ҳам, биз қабул қилган қарорлар бўйича ҳам ушбу ташриф ва келишувлар муносабатларимизнинг янада ривожланишига асос бўлади.

Озарбайжон етакчиси имзоланган ҳужжатлар ва бугунги вазифалар ижроси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашини қайд этди.

– Бугун биз иқтисодий ҳамкорлик, бизнес тузилмалари ўртасидаги алоқалар, хавфсизлик ва мудофаа қобилияти, маданий-гуманитар алоқалар тўғрисида фикр алмашдик. Яъни, кенг маънода айтадиган бўлсак, фаол ҳамкорлигимиз учун пойдевор яратилмоқда, – деди Озарбайжон Президенти.

Давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро мулоқот конструктив кечаётгани ва ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳим эканини таъкидладилар.

Шундан сўнг Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Кўксаройда бўлиб ўтган музокараларда икки мамлакат ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиздаги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар бунинг учун қулай майдон.

Пойтахтимиздаги Технопаркда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлатгич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар ясалмоқда. Бу товарлар ҳорижий брендлар назорати остида тайёрланиши боис минтақа бозорларидан ўрин эгалламоқда.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази фойдаланишга топширилади.

Озарбайжон Президенти ва меҳмонларга бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Давлат раҳбарлари саноат соҳаси мутасаддиларига биргаликда ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдони кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига дарахт экди.

Бу ташрифга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрилган эди. Эришилган натижалар шунга муносиб бўлди – икки мамлакат ҳамкорлиги келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Давлат раҳбарлари эккан ниҳол ушбу янги режаларнинг, халқларимиз дўстлигининг рамзи сифатида гуллаб-яшнайди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

> Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб 40 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилмоқда. 2003 йилда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири

100 дан ортиқ таклифлар умумлаштирилиб, Конституциявий комиссияга тақдим этилди

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

3

22 июнь 2022 йил, чоршанба | №23 (1172) | www.mt.uz | e-mail: milliyiklanish2022@

4 | Буюк бахт ва шарафга лойиқлик ҳисси билан яшаяпмиз

5 | Парламент ваколатларининг конституциявий асослари кучайтирилади

6 | Туринг, «губернатор» келяпти!

МУНОСАБАТ

Нодирбек ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Янги Ўзбекистоннинг кейинги ривожланиш босқичини белгилаб берадиган энг асосий омил бу – мустақил ва адолатли суд тизимидир. Жамиятда шахслар эмас, балки қонун устуворлиги, мулк дахлсизлиги ҳамда давлатнинг иқтисодиётдаги минимал иштироки таъминланишига эришсаккина, адолатли жамиятни қуриш мумкин бўлади. Бу борада халқнинг ва давлат раҳбарининг қарашлари ва мақсад муддаолари муштарак эканига гувоҳ бўлаяпмиз. Конституциявий ислоҳотлар жараёнида такомиллашаётган Бош Қомусимиз том маънода халқ конституцияси, халқ манфаатини ифода этадиган, барчамиз фахрланадиган асосий ҳужжат бўлишига ишонаман.

Даврон АРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимизнинг Конституциядан ҳокимларни халқ депутатлари Кенгашига раҳбарлик қилишига оид нормани чиқариб ташлаш ҳақидаги фикри сиёсий партиялар учун ниҳоятда муҳим ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф бўлди. Бу норма ҳокимиятлар бўлиниши принципига ҳам тўлиқ мос келади.

(Бошланиши 1-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ТАКЛИФЛАРИ

МИЛЛИОНЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР БЎЛДИ

Маълумки, 2016 йилдан бошлаб ўзлигимиз устувор, умумэътироф этилган қадриятларга ҳурмат руҳида мамлакатимизни замонавий ва рақобатбардош давлатга айлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон ислоҳотлари бошланди.

Бу ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш билан бирга унинг фаровон яшаши учун Ватанимизни иқтисодий жиҳатдан барқарор юртга айлантиришни мақсад қилгани ҳаммамизга маълум.

Айни пайтда бундай туб ислоҳотлар давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги келишув саналган олий қонун – Конституциямизни янгича қарашлар асосида таҳрир қилиш заруратини кун тартибига қўяётир.

Мана бир ойдирки, Олий Мажлис палаталари Кенгаши қарори билан ташкил этилган Конституциявий комиссия фаол иш олиб бормоқда.

Ўтган вақт мобайнида «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан фуқаролар билан биргаликда 900 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, аҳоли ўртасида турли форматларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, 2000 нафарга яқин маҳаллий Кенгаш депутатларидан келиб тушган таклифлар партия Марказий кенгашида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан таҳлил қилиниб, 100 дан ортиқ таклифлар умумлаштирилиб, Конституциявий комиссияга тақдим қилинди.

Қайд этиш жоизки, Давлат раҳбари томонидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда хориждаги ватандошларни қадрлаш масаласини айнан Конституцияга киритиш таклифи илгари сурилганини бугунги куннинг ниҳоятда муҳим таклифларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таклифнинг қанчалар зарур ва долзарб эканини пандемия даври ҳам яққол кўрсатиб қўйди, дейиш мумкин. Гарчи ўша даврда амалдаги қонунларда ечими кўрсатилмаган бўлсада, Президентнинг парламент томонидан қўллаб-қувватланган ташаббуслари асосида минглаб юртдошларимиз ва хориждаги ватандошларимиз Ўзбекистонга олиб келиниб, уларни даволаш учун жуда катта маблағ ажратилганини таъкидлаш жоиз.

Жуда катта хавф-хатарларга қарамай, қирғинбарот уруш ўчоқларидан ҳам кўплаб ватандошларимиз ватанга қайтарилдилар. Энг асосийси, уларга янги ҳаёт бошлаш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Ана шундай жараёнларда ватандошлар билан яқиндан ишлайдиган «Ватандошлар» жамоат фонди ҳам ташкил этилди.

Инсон қадри, унинг орзу умидлари ҳақида гап кетганида узоқ йиллар давомида ўз Ватани фуқаролигини ололмаётган ватандошларга қисқа вақтда фуқаролик берилганини таъкидлаш жоиз.

Айрим манбаларда бугун хорижий мамлакатларда 5 миллионга яқин ватандошимиз турли мақомларда яшаётгани айтилмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлигида махсус фонд ташкил қилинди, ватандошларимиз кўп бўлган давлатларда эса агентликнинг ваколатхоналари очилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим: Янги Ўзбекистон ислоҳотлари бир қатор соҳа ва тизимлар қатори қурилиш индустриясининг ривожланишига ҳам олиб келди. Натижада мамлакатимизда сўнгги бир неча йил ичида қурилган уй-жойлар ҳажми 70-йилда собиқ иттифоқ даврида қурилган уй-жойлар ҳажмидан бир неча баробарга кўп бўлди. Ижтимоий уйлар, уйга муҳтож ватандошлар эса молиявий кўмаклашиш дастурлари орқали қўллаб-қувватланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсонни қадрлаш баландпарвоз гап эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган миллий сиёсатга айланганидан далолатдир ва якуний хулосалар бу масаланинг ҳақли равишда Конституциямизда халқимизга хос қадрият сифатида акс этиши кераклигини кўрсатяпти.

Шубҳа йўкки, бундай инсонпарвар сиёсат Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги обрў-эътиборини ошириш баробарида, минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқалари ҳамда ўзаро ишонч муҳитини яратишга ҳам хизмат қилди.

Ишончимиз комилки, учрашувда Президент томонидан билдирилган таклифлар Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бу масалада давлатнинг масъулият ҳамда мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилиши миллионлаб юртдошларимиз хоҳиш иродаси билан боғлиқдир.

Президент томонидан қадриятларимизга берилган эътибор, шу руҳдаги тарбиянинг аҳамиятига конституциявий тус берилиши ҳам аҳолининг айни кўнглидаги фикрлар бўлди, дейиш мумкин.

Зеро, бугун амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар инсонни қадрлайдиган давлат билан бир қаторда ўзини қадрлайдиган ва ўзлигини англайдиган авлоднинг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Алишер ҚОДИРОВ,
«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

✔ Фракцияда

НИКОҲНИ БИР ОЙДАН СЎНГ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди ва депутатлар дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси никоҳ қайд этишни такомиллаштириш, коррупциянинг олдини олиш, никоҳланувчиларга қулайликлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, Оила кодексида никоҳланувчилар ФҲДЁга ариза берганидан бир ой ўтганидан сўнг никоҳни расмийлаштириш белгиланган. Бунинг учун улар мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

Аммо ҳозирда белгиланган муддат ўтмасдан никоҳланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Масалан, 2021 йилда қайд этилган 305 мингта никоҳнинг 50 мингга яқини бир ой ўтмасдан қайд этилган. Тўғри, алоҳида ҳолатларда никоҳга рухсат берилиши мумкин. Жумладан, ўтган йили 22 мингдан ортиқ ҳолатда ҳомиладорлик, 14 мингдан ортиқ ҳолатда бола туғилгани ҳамда 12 мингдан ортиқ ҳолатда касаллик ва хизмат сафарлари сабаб белгиланган бир ой муддат қисқартирилган.

Бироқ кейинги пайтларда бу муддатни сохта ҳужжатлар билан қисқартириш ҳолатлари кўпаймоқда ва бу коррупцияга сабаб бўляпти. Ўтган йили сохта ҳужжатлар билан иш кўрган ФҲДЁ органлари раҳбарларининг 60 нафардан ортиғи интизомий жавобгарликка тортилган.

Ҳатто бир ой муддатни кутишни хоҳламаган айрим никоҳланувчилар шаърий никоҳдан ўтиб, фарзанди туғилганидан кейингина ФҲДЁга мурожаат қилмоқда. Оқибатда бу болага оталик белгилаш ҳолатларининг ортишига сабаб бўлаётир. 2020 йилда 49 мингдан ортиқ шундай ҳолат кузатилган бўлса, ўтган йили бу рақам 56 мингтани ташкил қилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу қонун лойиҳаси билан бир ойлик муддат бекор қилинмоқда. Яъни, никоҳланувчилар тиббий кўрикдан сўнг исталган кунда никоҳдан ўтиши мумкинлиги белгиланмоқда. Фақат никоҳланувчи шахслар 50 ёшдан ошган бўлса, шунингдек, аёл ҳомиладор ёки бола туғилган бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш ихтиёрий ҳисобланади.

– Қонун лойиҳасини содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, ФҲДЁдан рўйхатдан ўтишда келин-куёвларга енгиллик қилиш, бу борада коррупцион ҳолатларга барҳам бериш, белгиланган имтиёзлардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида барча учун талаблар бир хил қилиб белгиланмоқда. Яъни, никоҳланувчилар ариза берганидан сўнг бир ойдан кейин никоҳдан ўтади, деган талаб бекор қилинмоқда, – деди фракция аъзоси Нодирбек Тилаволдиев.

Бу борада халқаро тажриба ҳам ўрганилди. Туркия, АҚШ, Австрия, Белгия, Германия, Франция, Норвегия, Сингапурда талаб қилинадиган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг исталган куни никоҳни расмийлаштириш мумкин. Малайзия, Дания, Кипр каби давлатларда давлат божи тўланганидан кейин никоҳ исталган вақтда қайд этилади.

Йиғилишда "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси ташаббускорларининг қайд этишича, Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан буён кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Аммо бугунги кунга келиб, бу ҳужжатларнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи тарқоқ экани, ҳатто бир-бирига зид ва ўзаро мос келмайдиган меъёрлар мавжуд экани аниқланди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ қоидаларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаган нормалари бартараф этилади ва атамалар, тушунчаларнинг бир хиллиги таъминланади. Яъни, соҳасидаги мавжуд тартиботлар, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар умумлаштирилиб, тўғридан тўғри амал қилувчи ягона қонун шаклига келтирилмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида қонун билан тартибга солинган бўлиб, унда соҳага оид тушунчалар, ваколатли органлар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, рўйхатдан ўтказувчилар мақоми ва бошқа жиҳатлари белгиланган.

Лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида мулкдорлар ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланади, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишнинг қонун билан кафолатланган тартиби ўрнатилади. Шу билан бирга, кўчмас мулк бозорининг ривожланиши, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиниши ва булар натижасида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши таъминланади.

Депутатларнинг таъкидлашича, аҳоли билан ҳудудлардаги учрашувларда кадастр фаолияти билан боғлиқ кўплаб эътирозлар билдирилмоқда. Жумладан, ҳужжатларни расмийлаштиришдаги хатоликлар, ортиқча тўловлар, қоғозбозликдан аҳоли безиган. Шу боис, қонун лойиҳасида Кадастр агентлиги ходимларининг мажбуриятлари ҳам белгиланиши лозим. Шундан келиб чиқиб, депутатлар бир неча таклифларни ўртага ташлади.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№23 (1172)
22 июнь 2022 йил, чоршанба

БУЮК БАХТ

ВА ШАРАФГА ЛОЙИҚЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЯПМИЗ

Умид ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашуви ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди. Айниқса, Президентнинг Конституцияни референдум орқали қабул қилиш, болалар ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш, чет элда билим олаётган ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга доир таклифлари бирон-бир юртдошимизни эътиборсиз қолдирмади, деб ўйлайман.
Мен ҳам Ўзбекистон фуқароси сифатида Бош Қомусимизни такомиллаштиришга доир айрим таклифларимни билдирмоқчиман.

Конституциямизнинг «Давлат суверенитети» номли I бобида давлат тили ҳақидаги 11-модда бор. Кўплаб мамлакатларда эътироф этилган давлат тилини қўллаб-қувватловчи конституциявий ҳуқуқлар амалиётидан келиб чиқиб, ушбу моддага иккинчи қисм сифатида «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди» нормасини киритиш ўринли, деб ҳисоблайман. Қолаверса, айнан шу норма Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни ҳаётийлигини ҳам таъминлаб туради.

II боб «Халқ ҳокимиятчилиги» деб аталади. Бобдаги 7-модданинг иккинчи қисми мантиқий дахлдорлик ва мазмунан давомийлик нуқтаи назаридан 11-моддага кўчирилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу қисмдаги «мувозий» сўзининг тирик истеъмол сўзи эмаслигини инобатга олиб, унинг ўрнига «тан олинмаган» иборасини қўллаш орқали қисман таҳрир қилиш керак. Конституцияда ишлатилган сўз ва иборалар асосли, аниқ ва лўнда бўлишидан ташқари, барча учун бирдек тушунарли ва замонавий истеъмолдаги сўз-иборалар бўлгани маъқул, деб ҳисоблайман.

Энди, V боб ҳақида. Халқаро анъаналарда шахсга доир ҳуқуқ ва эркинликлар борасидаги чекловларнинг тури ва миқдори имкон қадар қисқариши ва бунинг Бош қонунларда акс этиши мамлакатлар имижини оширишга хизмат қилаётганини кўрсатяпти. Яъни, дунёда муайян ҳуқуқлар қаторида шахснинг ёши, касби кори ёки маълумоти каби жиҳатлар етарлича ҳуқуқий муҳофазага олинган. Масалан, Швейцария, Финландия, Чехия ва бошқа бир қатор илғор давлатлар Қомусларида шу каби нормаларда шахснинг ёши, маълумоти ва касбий машғулотидан қатъи назар тенг ҳуқуқли экани аниқ кўрсатиб ўтилган. Демак, қонунлар шахснинг ёшга доир (сайлаш, сайланиш, балоғат, никоҳ, мерос ва ҳ.к.), ёхуд маълумоти ва касбий даражаси билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда ҳар қандай камситиш ёки турли чекловларга дучор бўлмаслигини кафолатлаши керак.

Шундан келиб чиқиб, 18-моддани қуйидагича таҳрир қилишни таклиф қиламан: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, ёши, касби, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, дини, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

Муайян ҳуқуқлар кафолатига оид тенденция Конституциямизда занжир каби шаклланиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида вужудга келган замонавий талаблар, биринчи галда, инсоннинг (инсон боласининг) яшаш ҳуқуқини кафолатловчи қоидаларни янада қатъийлаштириш, ҳуқуқий қувватлаш лозимлигини англатади. Шунга кўра, Қомусимизнинг «Фуқаролик» деб номланган VI бобида Ўзбекистон фуқаросининг мутлақ ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини аниқ ифода этиш шарт, деб ҳисоблайман. Яъни, 21-моддага учинчи қисм сифатида қуйидагича янги банд киритиш керак:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ҳамда ота-онаси ёки отаси ёки онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс, у қаерда туғилганидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади».

Бундай норма замонавий Ўзбекистонда шаклланаётган илғор сиёсий амалиётнинг олтин қоидаларига айланган «Инсон қадри учун» ва «Жамият давлатга нисбатан устувор» тамойилларига ҳар томонлама мос келади.

Бундан ташқари, мазкур моддани «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга таянган ҳолда ва бу борадаги халқаро тажрибадан руҳланиб, бешинчи қисм билан мазмунан тўлдиришни таклиф этаман:

«Чет давлат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби қонунчиликка мувофиқ қўлланилади».

Яна бир таклиф. IX бобда акс этган «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» мажмуи барча учун муҳим, албатта. Шуни назарда тутиб, 39-моддага биринчи қисм сифатида қуйидаги мазмундаги янги норма киритилса, фойдадан холи бўлмайди:

«Ҳар бир муҳтож шахс давлат эътиборидадир. Муҳтожларга ёрдам ва меҳр кўрсатиш уларнинг ўз оила аъзолари ёки яқинлари олдидаги инсоний ва фуқаровий бурчи ҳисобланади».

Амалдаги биринчи қисмни эса, қуйидагича таҳрир билан иккинчи қисм тарзида бериш керак:

«Фуқаролар ёшга доир, касаллик ёки ногиронлик оқибатида, шунингдек, меҳнат лаёқатини йўқотиши, боқувчисидан маҳрум бўлиши, ишсизлиги сабабли ва бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Бобдаги 41-модда таълим ҳақида. Афсуски, Конституцияда бепул таълим кафолати фақат умумий таълимга нисбатан қўлланган. Назаримда, бу нормаларни кенгроқ ифода этиш вақти келди.

Яъни: «Ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлатга қарашли мактабларда умумий таълим бериш бепул амалга оширилади.

Илм олиш масалалари давлат назоратидадир» шаклида.

Шунингдек, дунёда олий таълим муассасалари фаолиятига берилган мустақиллик кўплаб ривожланган мамлакатларда (Туркия, Болгария, Молдова, Руминия ва ҳ.к.), худди шунингдек, истеъдодли шахсларнинг таълимдаги қўшимча имтиёзлари ҳақидаги нормалар яна бир қатор давлатлар (Озарбайжон, Эстония ва бошқа) конституциясида учрайди. Ваҳоланки, Президентимизнинг тегишли Фармони билан (ПФ-5545. 25.09.2018 йил) мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятининг изчил йўлга қўйилгани Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги узоқ йиллик жиддий ислоҳот бошланганини англатади. Ушбу масалаларни 41-моддада кенгроқ акс эттириш мақсадида қўшимча тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдиришни таклиф қиламан:

«Олий таълим муассасалари ўз фаолиятида академик ва иқтисодий мустақиллик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Истеъдодли ва истиқболли кадрларнинг узвий таълим олиши давлат томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши мумкин».

Конституциянинг XI боби «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланган бўлиб, фуқаронинг конституцион бурчларини ҳуқуқий жиҳатдан кенгроқ ва таъсирчан шаклда акс эттириш мақсадида 47-модда бугунги кун талаби асосида таҳрир қилиниши керак.

Яъниким, барча фуқаролар Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган жамият ва давлат олдидаги бурчларини бажаришга масъул бўлиши аниқ белгиланиши лозим. Қолаверса, «Қонун – устувор, жазо – муқаррар!» тамойилидан келиб чиқиб ҳамда қатор мамлакатлар конституциясида акс этган нормани имплементация қилиш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан 47-моддани қуйидаги қатъий норма билан тўлдириш керак:

«Қонунни билмаслик фуқарони жавобгарликдан соқит қилмайди».

Бу билан модда замонавий қонунчилик амалиётига ҳамоҳанг ва боб номига мазмунан мос тарзда кучайтирилган ҳисобланади.

Миллий тарихий-маданий меросни давлат томонидан ҳимояланиши кафолатлари ҳақидаги 49-моддани иккинчи қисмини ҳам сўнгги пайтда бошланган ислоҳотларимиздан келиб чиқиб, ва албатта, партиямиз ғояларига ҳамоҳанг тарзда қуйидагича таҳрир қилиш керак, деб ўйладим:

«Маданий мерос объектлари ва ёдгорликлар Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланади ва давлат муҳофазасида бўлади».

Чунки маданий мерос ва ёдгорликларга нисбатан фуқаровий жавобгарлик ҳисси Конституция даражасида ифода этилиши умуммиллий бойликлар турини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий элементи бўлиб хизмат қилади. Бу жиддий ғоя ва у «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам ўз аксини топган.

XIV боб номини «Никоҳ ва оила» деб ўзгартиришни таклиф этаман.

Жуда кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқ амалиётида инсонлар ўртасидаги никоҳ ижтимоий-ҳуқуқий (дунёвий) ҳамда умумбашарий, маънавий-маърифий (диний) асослар билан далиллантирилганини ва бунинг қонунларга кўчганини кўриш мумкин. Айниқса, буюк маънавий тарихига эга Ўзбек миллатининг бугунги маданий қарашлари «Муқаддас бирлашув» деб қадрланадиган никоҳ тушунчасининг ҳуқуқий негизларини, аввало, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш учун етарли асос бўлади.

Қолаверса, Президент таъкидлаганидек, никоҳ эркак ва аёл жинси ўртасида тузиладиган битим бўлиб, ихтиёрий розилик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланади. Худди шундай қоидани Конституцияда 63-модданинг биринчи қисми сифатида эътироф этиш тўғри бўлади.

64-моддада санаб ўтилган ҳуқуқлар никоҳсиз туғилган болаларга ҳам тааллуқлилигини мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Яъни, қонунлар ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий жиҳатдан барча болаларни тенг ҳимоя қилиши шарт. Хусусан, Конституцияда болаларнинг никоҳсиз туғилган категорияси муҳофаза қилиниши ҳам қамраб олиниши (бунинг дискриминацияга ҳеч қандай алоқаси йўқ) мамлакатнинг бола ҳуқуқларини кафолатлаш даражасига кўра рейтингини ҳам кучайтиради.

Яна бир муҳим масала.

Ҳозиргидек глобал ва тезкор медиамакон ахборот тарқатишнинг тан олинган тенденцияларига, тарқатувчилик масъулияти ва жавобгарлигига ҳам таъсир ўтказаётгани сир эмас. Бу жараёнлар турли майдон ва мақсадларда тўғри ёки нотўғри ахборотлар тарқатилишига сабаб бўлиб, ахборот соҳасининг инкор этиб бўлмас қоидалари бўлган шахс–жамият–давлат хавфсизлигига боғлиқ нормаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Конституциядаги XV бобнинг 67-моддасини замонавий жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, ахборот соҳасига доир миллий қонунчиликка мос равишда қуйидаги таҳрирда баён этиш керак:

«Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти кафолатланади. Эълон қилинган ҳар қандай ахборотнинг тарқатувчиси унинг тўғрилиги учун қонун олдида жавобгардир.

Медиа майдонда цензурага йўл қўйилмайди.

Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қонунлар билан таъминланади».

Хулоса сифатида айтиш мумкин, қонунлар ўз-ўзидан ёки кимлардир томонидан шунчаки яратилмайди, улар туғилади. Яъни, қонунлар халқ хоҳиш-иродасининг умумлашмаси ва одамларнинг эртанги истиқболи учун олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий мевасидир. Айнан шунинг учун ҳам бу борада «Халқ Конституцияси» деган ибора ўринли қўлланилди, деб ўйлайман. Сиёсат майдонида эса бундай амалиёт жуда катта жасорат.

Биз бугун миллий юксалишнинг тараққиёт эволюцияси жараёнидамиз. Барча орзу-умидларимиз ва юксак марраларимиз сари интилишларимизда асос бўлиб хизмат қиладиган Бош Қомус яратиш мақсади атрофида бирлашганмиз. Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни, албатта, барпо этишимизга ишонаман. Президент айтганидек: «Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!».

МУНОСАБАТ

Умида РАҲМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимиз томонидан Конституцияга "Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши учун ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир", деган қоидани киритиш ҳақидаги таклифи ҳақиқатан ҳам ёш авлод тақдирига бўлган масъулиятни оширади.
Чунки бир боланинг тарбияси, руҳи ва ривожланишидаги хато фақат унинг ўзи ҳам салбий ҳолатдек ёки оиласигагина эмас, балки миллат, жамият ҳаёти, мамлакат келажаги учун деб баҳоланиши керак.

✔ Ҳудудий кенгашларда

ЖАЛАҚУДУҚДА МУҚАДДАСХОН ИСМЛИ ДЕПУТАТИМИЗ БОР!

Энди ана шу депутатимизнинг ташаббускорлиги туфайли Ўзбекистон кўчаси аҳолиси ҳам тоза сув ичадиган бўлишди.

Ана шундай хабар партиямизнинг телеграмдаги каналларидан бирида тарқалди. Унда таъкидланишича, халқ депутатлари Жалақудуқ тумани Кенгаши депутати Муқаддасхон Мирзаева аҳолининг 30 йиллик муаммосига ечим топган.

«Янги кўрпа» МФЙ, «Ўзбекистон» кўчаси учун ичимлик суви азалдан муаммо эди. Депутат сўрови натижасида мутасаддилар муаммога эътибор қаратдилар.

Энг муҳими, депутат сув тортиш учун етишмаётган 150 метр полиэтилен сув қувурини ўз ҳисобидан сотиб олиб, бошланган ишнинг тўхтаб қолишига йўл қўймади.

Ҳа, орамизда ана шундай фидойи, чинакамига ўз сайловчисига меҳр кўрсатадиган депутатлар кўплаб топилади. Уч килограмм картошка ёки икки килограмм макаронни елим халтага солиб, бир бечорани уйига кириб расмга тушишни одат қилган айрим валломатларга бу ўрнак бўлиши керак.

МУНОСАБАТ

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Давлатимиз раҳбари томонидан Бош Қомусимизга инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда имкон қадар шахсга енгиллик яратиш тўғрисида янги норма киритиш таклифи жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш борасидаги хатти-ҳаракатлар миллатни юксалтиришнинг бирламчи омилига айланаётганидан дололатдир.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ҳурматли Президентимизнинг аёлларни ёш боласи борлиги ёки ҳомиладорлиги сабаб ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтиришни тақиқлаш ҳақидаги таклифлари миллионлаб опа-сингиларимиз ҳаётида иқтисодий бурилиш ясаш имконини беради. Чунки ушбу қоиданинг конституциявий даражада белгиланиши аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш баробарида миллатнинг эртаси бўлган болаларимиз бахти ва камолининг кафолатига ҳам айланади.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ,
халқ депутатлари Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши депутати

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда билдирган ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилишини бекор қилиш ҳақидаги таклифи маҳаллий Кенгашлардаги минг-минглаб депутат-ҳамкасбларимизнинг дилидаги гап бўлди.
Ушбу таклиф анча вақтдан буён муҳокама қилинаётган, ҳатто февраль ойида Боёвут тумани ҳокимининг биринчи бўлиб Кенгашга раислик қилишдан воз кечгани жамоатчилик томонидан тарихий воқеа сифатида олқишланган эди.
Тўғрида, маҳаллий Кенгашга ҳоким раҳбарлик қилса-ю яна ўзига-ўзи ҳисобот берса, бу, қай бир мантиққа тўғри келади? Ўзи чиқарган қарорларни маҳаллий Кенгаш раиси сифатида ўзи тасдиқлаши қанчалик адолатли? Бундай ёндашув ноқонуний қарорларнинг қабул қилинишига ҳам сабаб бўлаётган эди. Бунга 2017-2020 йилларда судлар томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг 17 400 та қароридан 7 680 таси бекор қилингани ҳам мисол бўлиши мумкин. Конституцияга ўзгартириш киритиш орқали бундай амалиётга чек қўйилиши ўз навбатида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада оширишга, ҳокимларнинг эса халқ вакиллари олдидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Энг асосийси, бу норма билан маҳаллий ҳокимликлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш учун реал имконият пайдо бўлади.

Шаҳноза Жолдасова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

Президентимиз кечаги учрашувда Ёшлар парламенти фаолиятига ҳам тўхталдилар. Юртбошимиз, хусусан, бу тарихда илк бор ташкил этилган катта тажриба мактаби, уларда ҳали ҳатто ўзлари тушуниб етмаган имкониятлар бор, дедилар. Шу билан бирга, Ёшлар парламенти бугунги кунда халқ уйида ёшлар овози бўла олганини таъкидладилар. Шунингдек, Юртбошимиз улардан эртага ёш депутатлар ва сенаторлар етишиб чиқади, агар улар бундай ютуқларга эришсалар хурсанд бўламан, дедилар ва ҳар иккала палата ҳам Ёшлар парламентига ана шу нуқтаи назардан ёндашиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.
Бундай эътирофдан фахрландим, хурсанд бўлдим. Бунда, шубҳасиз, кўплаб фаол аъзоларимизнинг меҳнати бор.
Баски, бизга ишонч билдириляптими, демак бундан кейин ҳам катта шижоат билан ҳаракат қилиш ва ана шу ишончни оқлашимиз керак!

1966 йили бир неча жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган.

АСОСИЙ МАҚСАД:

- ✓ ИНСОН,
- ✓ УНИНГ ҲАЁТИ,
- ✓ ЭРКИНЛИГИ,
- ✓ ҚАДР-ҚИММАТИ,
- ✓ ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ВА
- ✓ МАНФААТЛАРИНИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАРАЖАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда бугунги амалиётни чуқур таҳлилларидан хулоса қилар эканлар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганда, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмаётганлигига алоҳида эътиборимизни қаратдилар.

Кўпчилик учун оддий бўлиб кўринган бу амалиёт, аслида фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тегишли масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, давлат бошлиғи таъкидлаганларидек, «... гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади». Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Президентимиз кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс этган «Миранда қоидаси»ни қўллаш лозимлигини ва шахси ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шартлиги, ушбу қоидани Конституциямизда муҳрлаб қўйишнинг вақтсоати келганлигини айтиб ўтдилар.

Ўзи «Миранда қоидаси» деганда нима тушунилади. Кўпчиликда бундай саволнинг пайдо бўлиши табиий, албатта. Келинг, гапни дастлаб шундан бошлайлик.

Ўтган XX асрда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида олиб борилган ҳаракатлар самараси ўлароқ, дунёда демократиянинг энг муҳим негизи – инсон ҳуқуқи ва эркинлигини олий қадрият сифатида эътироф этадиган, унинг ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маълум бир мамлакат, минтақа ва халқаро миқёсда амал қилувчи кўплаб тарихий ҳужжатлар қабул қилинишига туртки берди.

Биз юқорида номини қайд этган «Миранда қоидаси» ўтган асрнинг ўрталарида АҚШда яшаган (жиноят оламининг вакили) Эрнест Артуро Миранда номи билан боғлиқдир. Ахир, Миранда ўзи ашаддий жиноятчи бўлган бўлса, унинг инсоният учун хизмат қиладиган қандай қоидаси бўлиши мумкин, деб айтишингиз мумкин. Бироқ хулоса қилишга шошилманг. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, халқимизни «бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бўлади», деган нақли бежиз айтилмаганлигига амин бўласиз.

Умуман дунё амалиётида, инсон ҳуқуқларига оид дунё мамлакатлари қонунчилиги ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга айланган.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири бўлган «Хабеас корпус акт» ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро даражада умумэътироф этилган ҳужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг фундаментал асосини ташкил этиши билан бирга ушбу соҳа ривожи йўлида ўзига хос янги даврга асос солган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти юқорида номи қайд этилган мажлисда «Хабеас корпус» институтини ривожлантириш зарурлигига ҳам алоҳида эътиборимизни қаратганлари бежиз эмас эди.

> «Хабеас корпус» ўз номини судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, «Habeas corpus ad subjiciendum», яъни (сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан), деган маънони англатади.

Бизнингча, «Миранда қоидаси» ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун «Хабеас корпус» институтига қисқача тўхталиб ўтиш керак бўлади.

«Хабеас корпус» ўз номини судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, «Habeas corpus ad subjiciendum», яъни (сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан), деган маънони англатади. Бу тартибот XV асрлардаёқ пайдо бўлган ва 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қонуний расмийлаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат дунёнинг барча нуқталарида, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимида ва Лотин Америкаси мамлакатларида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида кенг тарқалган.

Шу маънода, «Хабеас корпус» институти сингари «Миранда қоидаси» ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида курашлар тарихида ўзига хос из қолдирган, инсон ҳуқуқларига оид миллий жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим нормаларидан бири ҳисобланади.

«Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммасидан судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин».

Бу машҳур ибора бир неча марта жиноий жавобгарликка тортилган Эрнест Артуро Миранда исмли АҚШ фуқаросининг номи билан боғлиқ.

Гап шундаки, 1966 йили бир неча жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатувларини берган, бундай кўрсатувлардан эса унинг иқрорлигига исбот сифатида фойдаланилган. Кейинчалик суднинг бу ҳукми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмаганлиги сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган.

Нега деганда, АҚШ Конституциясининг 5- ва 6-қўшимчаларида ҳеч ким жиноий ишларда ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши; ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, у ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиши, ўзи томонидан гувоҳларни мажбуран келтириш ёки ўз ҳимояси учун адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди. Шундан буён «Миранда қоидаси» дастлаб сўроқ қилиш олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига қуйидаги ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлади:

«Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммасидан судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, Сиз адвокат билан давлат томонидан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?».

Шуни айтиш керакки, «Миранда қоидаси» бугунги кунда барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэътироф этилган норма сифатида белгиланган. Яна бир жиҳати шундаки, «Миранда қоидаси» турли давлатлар қонунчилигида турли хилда ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президенти айтиб ўтган қуйидаги устувор йўналишларни, яъни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини конституциявий даражада янада мустаҳкамлашдан иборат.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони раҳбари, юридик фанлар номзоди

МУНОСАБАТ

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлис ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни Асосий қонунимизда акс эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Чунончи, Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши, Ҳукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани Қонунчилик палатаси ва Сенатда муҳокама қилиш, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш таклифини ҳам билдирдилар.

Албатта, буларнинг барчаси Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№23 (1172)
22 июнь 2022 йил, чоршанба

ТУРИНГ, «ГУБЕРНАТОР» КЕЛЯПТИ!

ЁХУД ЁСТИҚНИ ЎЗИГА ДУШМАН ДЕБ БИЛГАН ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Партиянинг Жиззах вилояти Кенгаши раиси Дилшод Мирзааҳмедовнинг хизмат хонасига хунобим ошгандан ошиб кириб бордим.

– Сиз берган телефон рақамига роса қўнғироқ қилдим, ҳеч ким кўтармади. Ҳа айтганча, охирги қўнғироғимда рад этиш тугмаси босиб ҳам қўйилди. Бу қанақа депутат ўзи?

Мирзааҳмедов менга тикилиб турди-да иссиқдан терлаб-пишиб, бўғриқиб кетган юзимга қараб мулойимгина жилмайиб қўйди.

– Келинг, ўтиринг. Манави чойни ичинг. Ерталаб айтиш эсимдан чиқибди. «Губернатор» опанинг шунақа одати бор, сайловчиларини эшитаётганида телефонни кўтариш тугул, қараб ҳам қўймайди. Қачон муаммоларини ҳал қилади, кейин бошқа ишга уннайди. Ишонасизми, унгача ҳатто бир қултум сув ҳам ичмайди. Ўз округидаги муаммо бўйича бирор масъул ташкилот раҳбарига сўровнома чиқарса-ю шу масалани ўша раҳбар вақтида ечмаса, унинг ҳолига маймунлар йиғлаши муқаррар ҳақиқат. Ўша раҳбарнинг масаласини вилоят сессиясига киритиб, уни кўпчиликнинг ичида шунақа чангини чиқариб, дўппослайдики, ўша раҳбар бошқа бунақа қилмасликка онт ичиб юборганини ўзиям билмай қолади. Сиз хавотир олманг, «губернатор» опанинг ўзи бугун кенгашга келади...

Раис хотиржам алфозда менга чой узатди.

– Икки бора «губернатор» опа дедингиз, нима уни шунақа чақирасизларми?

– Э, ҳа, дарвоқе, сиз бехабарсиз-а, Жиззахда Бойжоновани таниганлар уни шундай аташади. У айнан Сиз излаётган депутат. Ҳақ гапни эгасининг юзига шартта айтади-қўяди. Уялиб, истиҳола қилиб, бировдан тап тортиб ўтирмайди. Шу ва шу каби яна бир қанча хислатлари боис шунақа ном орттирган. Бунгаям анча йиллар бўлиб кетди. Унинг бу иккинчи исмини ҳатто 10 нафар фарзандининг бари билади! Очиғи, бошида бу ном менгаям бироз ғалати туюлуди, кейинчалик бирга ишлай бошлагач, одамлар унга бежизга бу номни тақашмаганига чин дилдан амин бўлдим. Одамнинг қандайлиги иш жараёнида билинаркан. Айни кунда партиянинг вилоят кенгашида 9 нафар, туман, шаҳар кенгашларида эса 69 нафар депутат бор. Ана шу депутатларнинг орасида Бойжонованинг муносиб ўрни бор. Қисқаси, у ҳамма жабҳада илғор бўлиш билан бирга барча депутатларимизга ўрнак ҳам бўлиб келаётир.

Раис шу сўзларни айтиб турган чоғида хонага изн сўраб, ўрта ёшлардаги, салобатли, тик боқишлари ўзгача, лекин кўзларининг туб-тубига синчиклаб қаралсагина англанадиган самимият балқиб турган опа кириб келди.

Ўзаро салом-алик, танишув, мақсад муддао англатилгач, депутатга саволлар бера бошладим.

– Хуноб бўлиб излаганингизнинг ҳиссасини чиқаряпсизми, дейманда, даб-дурустдан саволларга кўмиб ташлаяпсиз, – ҳазилнамо тарзда гап бошлади опа. – Биласизми, 32-Ёрқин сайлов округи вилоятдаги энг катта округлардан бири, таркибига Зафаробод туманидаги Ёрқин, Бирлик, Нурафшон, Писталикент каби 4 та шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари киради. Унда 23 минг аҳоли яшайди. Бу дегани 23 минг феъл-атвор, шунча кайфиятдаги одам бор дегани. Ахир беш қўл баравар эмас. Шундай бўлгач, уларнинг ўзига яраша дарду ташвиши, ўй-фикрлари, орзу ҳаваси, ютуқ ва камчиликлари бор. Мен эса уларнинг барига бир хил кўз билан қарашим лозим. Ҳудудимиз жуда катта. Буёғини сўрасангиз Нурота тоғ тизмаларигача туташиб кетган. Хуллас, барчасига ўз вақтида улгуришим шарт. Боя қўнғироқ қилганингизда ололмаганим боиси, Ёрқин шаҳарча фуқаролар йиғинига тааллуқли бир муаммо юзасидан туман ободонлаштириш бўлими раҳбарлари билан тўғриси ёқа бўғишаётгандим. Ерости сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб кетаётганлиги боис, ерларимиз анчайин шўрланиб кетган. Шу сабаб аҳоли томорқаси тугул уйларининг остидан ҳам шўр сув сизиб чиқа бошлади. Шу боис, вилоят депутатлигига сайланган 2019 йилнинг ўзидаёқ бу муаммони ҳал этиш учун ҳудудимиз чеккасида 25 йил мобайнида қаровсизликдан абгор ҳолатга келиб қолган очиқ зовурни тўлиқ ишга туширдик. Вилоят ҳокими Эргаш Солиевга минг раҳмат, масалани ётиғи билан англатганимдан сўнг вилоят бюджетидан 352 млн 500 минг сўм пул ажратиб берди. Натижада бир километрдан зиёдроқ узунликдаги деярли янги зовур қазилди. Тез орада сизот ва зах сувлар чекиниб, ҳудуд ерлари яна унумдор тупроққа айланди. Одамлар шўрланиш, зах балосидан буткул қутулди. Янги қазилган ана шу очиқ зовурга сизот сувларини тортиб берадиган насос яқинда бузилиб қолганди. Уни таъмирлаш учун туман ободонлаштириш бўлими ходимлари олиб кетишганига икки ҳафта бўлди ҳамки улардан дарак йўқ. Ахир вақти-вақти билан зах сувни тортиб туриш керак. Жиғибийрон бўлиб, қўнғироқ қилсам валломат каттакони сира жавоб бермайди. Хуллас ўзим бориб, таъмирланган насосни жойига ўрнаттириб келяпман.

Ўтагул Бойжонова – 1961 йилда сўлим Фориш туманининг Деристон қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Тўғриси, Бойжон Бегматовнинг 4 фарзанди бир томон бўлди-ю Ўтагулнинг ўзи бир ён бўлди. Тоғда туғилган эмасми, эсини таниб, эти қота бошлагач, отасининг оти атрофида ўралашиб, уни минишни ўргана бошлади. Онаси Мукаррамхон аянинг ҳайҳайлашига қарамай, ота ишдан келиб яккамихга боғлаган отни Ўтагул қир-адирларга олиб чиқиб кетарди. АҚлини буткул таниб, от минишнинг ҳадисини олгач, ўзи билан ёши тенг ўсмирлар билан улоқ-кўпкарига ҳам борадиган, аксарият ҳолда қўли-ю юзи тирналиб, гоҳида отдан йиқилиб уйга қайтарди. Онаизорнинг дашномлари-ю отанинг қаттиқ қойишларига қулоқ осгандек бош иғраб турарди-да, эртаси куни Бойжон ота Ўтагулни ва отини сўроқлаб яна қишлоғи қир-адирларини кезишга мажбур бўларди. Тўғриси, у оиланинг ёлғиз ўғил фарзанди саналмиш – акаси Абдуманнондан анчайин ҳайиқарди. Ака барибир акада, бироқ қаҳрамонимиз вақтида униям роса ووраи сарсон қилганлигини ҳалиҳануз эслаб кулиб юради. Ўз таъбири билан айтганда, тоғдан думалаб тушган бу қиз 10-синфни битиргач, ўша кезлардаги комсомолнинг оташин чақириғига биноан собиқ Октябрь, ҳозирги Зафаробод туманига акаси Абдуманнон билан чўлни ўзлаштиришга отланди. Етиб келишгач, акаси унга бу ерлар тоғ-адир эмаслигини, шу боис трактор ҳайдаш ҳақидаги ҳою ҳавасларини калласидан буткул чиқариб, хотин-қизларга мос ишда ишлаши шартлиги ҳақида қатъий кўрсатма берди. Шундан сўнг, Ўтагул чўл туманида янги ташкил этилган китоб дўконига сотувчи бўлиб ишга кирди. Тўғриси, акаси Ўтагулнинг трактор ҳайдаб, чўлда яна ажабтовур ҳангомаларни бошлаб юборишидан қўрққанлигини у йиллар ўтиб англади. Ахир ўша пайтларда бу қишлоқ қизи ўт-олов, аниқроқ айтганда, ерга урса кўкка сапчирди-да. Хуллас, 1990 йилгача Ўтагул Бойжонова Зафаробод туманида савдо соҳасида фаолият юритди. 1991 йилда мамлакат мустақилликка эришгач, савдо соҳасини ташлаб, тумандаги иқтисодий жиҳатдан ўта ночор сут-товар фермасини ўз тасарруфига олди. Ем-ҳашак етиштиришга мўлжалланган 15 гектар ерда трактор ҳайдашга имкон туғилганидан Ўтагул жуда-жуда хурсанд бўлди. Ўша ерда ферма учун ем-ҳашак етиштирди, деҳқончилик қилди, трактор ҳам бошқарди. Мамлакатда фермерлик ҳаракати бошлангач, туман ҳокимлиги томонидан унга ҳам дастлаб 30 гектар ер ажратиб берилди. Бойжонова қўмсаб қолгани – отини миниб, энди дала кезишга тушди. Тумандаги марказий шифохона, 12 та болалар боғчасини гўшт ва сут билан таъминлар, даласида эса мўл-кўл ғалла ва пахта етиштириб давлат хирмонига тўкарди. Алал-оқибат фермер хўжалиги кенгайганданкенгайиб, умумий майдони 600 гектарни ташкил этди. Залворли ва заҳматли меҳнат ўз бўйини кўрсатиб, Бойжонова нафақат Зафаробод туманида балки Жиззах вилоятидаги донгдор фермерлардан бирига айланди. Шу орада «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Зафаробод туман кенгаши депутатлигига сайланди. Меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, ҳукумат фахрий ёрлиқлари, «Шуҳрат» медали соҳибаси ҳам бўлди.

– Барча ютуқларим замирида турмуш ўртоғим Неъмат Файзуллаев ва фермер ҳамкасбим Ширингул Алиеваларнинг оғир меҳнатлари, доно ўгитлари мужассам. Мен бу инсонларни ўзимга устоз деб биламан ва улардан тоабад миннатдорман, – дейди депутат.

... Хадича Раҳматова – Зафаробод туманининг Ёрқин шаҳарча фуқаролар йиғинида яшайди. 2 нафар фарзанди бор. Ишдаги бахтсиз ҳодиса туфайли турмуш ўртоғи – оила боқувчисини буткул йўқотди. Устига-устак 2014 йилда оғир хасталикка чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Аҳволи кун сайин оғирлашавергач, вилоятдаги бир қанча ташкилотларга ёрдам сўраб хатлар ёзди. Аммо барака топгурлар, кўмак бериш тугул бир энлик жавоб хати ҳам йўллашмади. Партиянинг «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида маҳалла кезаётган депутат унинг аҳволидан хабар топгач, ўша куннинг ўзидаёқ беморни кенжа ўғли Ўткиржоннинг машинасига солиб Тошкентга жўнади. Пойтахтдаги манаман деган хусусий клиникаларнинг бирида уни обдон текширтирди. Раҳматовада мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилиши лозимлиги, шундан сўнг бемор буткул соғайиб кетишини шифокорлар мамнуният билан маълум қилишди. Бироқ бунинг учун 30 млн сўм маблағ зарур эди. Бойжонова тезда ортга қайтди. Туман ҳокими Нодиржон Ражабовга вазиятни батафсил тушунтиргач, ҳоким туман «Саховат ва кўмак» жамғармасидан Хадичанинг жарроҳлик амалиёти ва тўлиқ даволаниши учун зарур маблағни пойтахтдаги «Соғлом умр» хусусий клиникаси ҳисоб рақамига ўтказиб беришга кўрсатма берди. 32-сайлов округида яшовчи Гўзал Раҳимова ҳам депутатга мурожаат қилиб, II гуруҳ ногирон ўғли Жаҳонгир Эшимовни зарур дори-дармон билан таъминлаш ва даволатишда амалий ёрдам сўради. Депутатнинг биргина сўровномаси билан бемор номига пластик карта очилиб, туман «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 5 млн сўм ўтказиб берилди.

Депутатга шу йилнинг февраль ойида бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилиб, аҳолига ҳукумат томонидан имтиёзли нархларда ажратилаётган ун маҳсулоти ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, берилганда ҳам жуда кам миқдорда тақсимланаётганлиги, бу эса аҳоли эҳтиёжларини умуман қониқтирмаётганлиги, устигаустак унинг сифати талабга жавоб бермаётганлигидан шикоят қилишди. Вазиятни жиддий ўрганиб чиққан депутат фуқароларнинг талаби тўғри эканига амин бўлгач, мавжуд ҳолат юзасидан масъулларга депутатлик сўрови юборди. Шу орада масалани халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясига ҳам киритиб айбдорларни шундай тузладики, натижада вилоятнинг барча туманларида бу борадаги ҳолат буткул ижобий томонга ўзгарди.

Барча каттаконлар қатори Жиззах вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари Б.Ибрагимов Ўтагул Бойжоновани жуда яхши танийди. 2021 йилнинг 8 октябрида аҳолининг мурожаати боис депутат унинг номига сўровнома киритиб, унда ўз округидаги 4 та фуқаролар йиғинида электр таъминотини яхшилаш учун 5 та янги трансформатор, 300 та бетон-устунлар ўрнатилиб, янги электр кабеллари тортилиши лозимлигини баён этганди. Бироқ корхона раҳбарини нима жин урди-ю сўровномани эътиборсиз қолдирди. Жавобни ва натижани кута-кута тоқати тоқ бўлган Бойжонованинг шахсан ўзи корхона раҳбарининг ҳашамдор кабинетига кутилмаганда кириб борди. Ва депутатнинг сўровномасини менсимаслик қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини, қолаверса, корхонанинг йиллик фаолиятини депутатлик гуруҳида эшитишга тайёрланаётганини айтганида раҳбар қўлини кўксига қўйди... Натижада 10 кун муддат ичида барча ишлар рисоладагидек бажарилди.

Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д.Садриддинова ҳам депутат билан ўйлашиб гаплашиш лозимлигини ўз вақтида англаб етган ҳушёр раҳбарлардан экан. Негаки, 32-Ёрқин сайлов округи ҳудудидаги 5 та мактабни муфассал ўрганиб чиққан депутатнинг ушбу мактабларга зарур бўлган 400 дан ошиқ янги стол-стул, доска, кийим ва китоб жавонлари, мактабни иситиш учун 2 та янги қозонхоналар қуриш, 3 тасини тўлиқ таъмирлаш ҳақидаги депутатлик сўрови ижросини бир ойнинг ичида бериси ХТБ раҳбари ўзи бош бўлиб таъминлаб берди.

– Биз роса шиддатли даврда яшаяпмиз. Бугун бекорчи гапларни, сафсата тўқишни, уйқуни камроқ қилиб одамлар орасида кўпроқ юришимиз, уларни диққат билан эшитишимиз керак. Шундагина олдимизга қўйилган мақсадлар рўёбга чиқади. Менинг бир ички шиорим бор. Бугуннинг депутати ёстиқни ўзига душман деб билиши лозим!

– Опа билан суҳбатлашиб қайтарканман, унинг охирги сўзлари замирида ижобий маънодаги жуда кўплаб яширин маънолар борлигини англадим. Ва... ва Президентимизнинг «Биз асло тўхтамаслигимиз керак», – деган сермаъно ва пурмаъно ҳикматлари хаёлимда бот-бот чарх ураверди...

> **Биз роса шиддатли даврда яшаяпмиз. Бугун бекорчи гапларни, сафсата тўқишни, уйқуни камроқ қилиб одамлар орасида кўпроқ юришимиз, уларни диққат билан эшитишимиз керак.**

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
журналист

Статистика

ТИЛ МАСАЛАСИ

Ҳозирда бизлар учун энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз, тил масаласидир. Биз Туркистон турклари она тилимиз бўлғон туркий тил билан бирга яшарға ва туркий тилимизни ўз ҳаётимиз ва ўз ҳуқуқимиз билан баробар муҳофаза этарга тевишмиз.

Эски ҳуқумат замонинда биз туркистонлилар ҳукуматнинг расмий идора ва мактаблари нари турсин, ўз мактабларимизда ҳам она тилимизда илм ва фан ўқумоққа комили ихтиёрли эмас эдик. Чунки ул мустабид ҳукуматнинг чин муддаоси бизларни ва ҳам ғайри русларни руслаштурмоқ бўлғонлиғи сабабли бизларни ҳар жиҳатдан қисарға, эзарга тиришиб тура эди.

Энди Худоға шукрлар бўлсинким, ондай сиқинтилиқ ва шиканжалардан қутилдиқ. Ҳозирда ҳар ерда она тилимизға сўйларга, ибтидоийдан ўрта ва олий даражадаги мактабларимизда она тилимизда таҳсили илм этмакка ихтиёрли бўлдиқ, ўшандоқ расмий идораларимизда қарорнома, тазкира ва буйруқдек расмий қоғозларимизни туркча тилда ёзарға ва тарқатурға эрклимиз. Шунинг учун эндиликда шундай мусоидли замин ва замондан истифода этиб, туркий тилимиз ва адабиётимизнинг такомилиға тиришмагимиз ва туркий тилимизнинг Туркистонда расмий ҳукумат тили қилурға ҳаракат этмагимиз лозимдир. Чунки мухториятли Туркистон ўлкасининг 95 прусентини ташкил этган биз, турк мусулмонлармиз. Шул сабабли ҳозирги замонда туркий тилимизни рус тили билан ҳуқуқда баробар этарга ва расмий ҳукумат тили ясарға ҳаққимиз бордир. Ғазеталарда ўқуғонимизга кўра яқинда Тошкандда бўлиб ўтган болшевик коммунистлар съездида Тобулин афанди тарафиндан мусулмон тилини рус тили билан ҳуқуқда баробар этмак масаласи қўзғатилғон. Тобулин афанди ўз нутқинда айтганким: «Ҳозиргача рус тили расмий ҳукумат тили ҳисоб этилиб келди. Биз мухториятли Туркистоннинг асл эгалари мусулмонлар бўлғонлиғини хотиримиздан чиқармасға, шунинг учун аларға ўз тилларинда маром ва мақсадларини англатурға йўл очарға керак, яъни маҳаллий туркий тилни расмий ҳукумат тили ҳисоб этиб рус тили билан бир ҳуқуқда юритурга, истеъмол этарга керак». Мана, ушбу муҳим масалани бошлаб қўзғатмоқ вазифаси тил эгаси бўлғон биз мусулмонларға лозим экан. Билъакс, ани қўзғатиб, ўртаға отмоқ шарафи бошқаларға насиб бўлди. Энди бизларға, хусусан иш бошинда турғон улуғларимизға, ёшларимизға ва матбуотимизға лозимдирки, фурсатни ўткармасдан тездан ушбу масаланинг ҳаллиға тиришгайлар.

Ушбу муносабат билан биз шуни айтиб ўтмакни тевиш кўрамизким, Туркистондаги мусулмон шўролари билан мусулмон расмий ташкилотлари идорасиндаги барча дафтарлар билан мусулмон идораларига юборилатурғон расмий коғозлар туркий тилинда ёзилғай. Аммо мусулмон идораларидан рус идораларига юборилатурғон расмий коғозлар ёнинда русча нусхаси билан бирликда туркча ёзилиб юборилгай. Ўшандоқ рус идораларидан мусулмон идораларига юборилатурғон расмий коғозлар туркча нусхаси ила бирликда русча ёзилғай.

Илова суратинда ҳам айтамизким, ҳозирда Самарқанд мусулмон шаҳар думахонаси билан мусулмон шўроси ўз тарафларидан мусулмон идораларига юборилатурғон расмий коғозларини фақат русча ёзиб юбормакдадирларки, бу иш ўз тилимиз ҳақинда бир жиноятдир. Шунинг учун муҳтарам шўро ва баладия идорасиндан ўтинамизким, бу масалаға аҳамият бериб, бу тўғрида тезроқ тадбир кўрарга киришгайлар.

Ҳожи МУИН,
«Меҳнаткашлар товуши» газетаси. 1918 йил, 16 июль

2050

ЙИЛГА КЕЛИБ ҚУРҒОҚЧИЛИК ДУНЁ АҲОЛИСИНИНГ 75 ФОИЗДАН ОРТИҒИГА ТАЪСИР ҚИЛИШИ МУМКИН

2050 йилга келиб қурғоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмидан кўпроғига таъсир қилиши мумкин, – дейилади БМТ Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти баёнотида.

"Қурғоқчиликка қарши биргаликда курашамиз" шиори остида фаолият юритаётган Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш ташкилоти инсоният ва атроф-муҳит учун ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш учун эрта чоралар кўриш зарурлигини таъкидлайди.

Халқаро ташкилотлар маълумотига кўра, қурғоқчилик глобал исиш ва сув ресурсларининг камайиши туфайли дунё бўйлаб ортиб бораётган тенденциядир.

Жаҳон Метеорология ташкилотининг 2021 йилги ҳисоботига кўра, 2000 йилдан буён қурғоқчиликнинг сони ва давомийлиги 29 фоизга ошган.

Бундан ташқари, ЮНИСЕФ маълумотига кўра, 2040 йилга бориб ҳар тўрт боладан бири қурғоқчиликдан азият чекадиган ҳудудда яшайди.

Африка энг кўп зарар кўради, чунки сўнгги йигирма йил ичида 134 та қурғоқчилик ҳолати ана шу қитъада кузатилган. Қолаверса, 1900 йилдан 2019 йилгача қурғоқчилик билан боғлиқ сабаблар туфайли 11,7 миллион киши ҳалок бўлган. Шунингдек, охирги ўн йил ичида Европада 45 та қурғоқчилик содир бўлди ва бунинг оқибатида қитъа қуруқлик массасининг 15 фоизи ва аҳолининг 17 фоизи зарар кўрди. Зарар миқдори эса 27 миллиард доллардан ошиб кетди.

АҚШда ўтган асрда қурғоқчиликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказган зарари 250 миллиард долларга етди.

Дарвоқе, ўлимларнинг аксарияти Осиёда содир бўлган. Дунёда энг тез-тез учрайдиган табиий офат бўлган қурғоқчилик, тошқинлар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиётига ҳам зарар етказади.

Хусусан, Ҳиндистон ялпи ички маҳсулоти табиий офатлар туфайли 2-5 фоизга қисқарди. 2000 йилдан бери Австралияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш 18 фоизга камайган. Шуни таъкидлаш жоизки, айни пайтда, Сомали, Зимбабве, Жибути, Мавритания ва Жанубий Африка қурғоқчилик хавфи юқори бўлган давлатлар қаторига киради.

ЎзА

✔ Муносабат

МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИДА ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК

Ниҳоят Ўзбекистонимизда ҳам «брендинг» ривожланиб бормоқда. Тадбиркорлар ўз маҳсулоти ва ёки таклиф этаётган хизмат турлари учун бир-биридан қизиқ, ҳатто бошқаларда такрорланмайдиган номларни ўйлаб топишга ижодий ёндашаётганлари қувонарли ҳол, албатта. Чунки бу ўз миллий ёндашувимиз ва миллийлигимиз пайдо бўлаётганидан далолатдир.

Аммо кейинги кунларда баъзида оврупача, баъзан шарқоний – туркча, эронча, арабча, хитойча, корейсча ном қўйилаётган дўконлар, хизмат кўрсатиш объектлари ҳам эътиборимни тортмоқда.

Айтиб қўяй: тасвирдаги дўконлар фаолиятига ҳеч қандай эътироз ва салбий муносабатим йўқ! Бу – бозор иқтисодиёти, эътирозларим фақат номлар ва уларнинг тилига.

Касбим тақозосига кўра, хорижда кўп бўламан, яқинда ҳам Саудия Арабистонида зиёратда бўлдим. Аммо бирон жойда «Uzbek style», «Uzbek fashion» деган ёзувни кўрмадим. Ваҳоланки, бизнинг миллий урф ва модаларимиз ҳар қандай миллатнинг «style»ларидан минг марта яхши. Дунёга машҳур либос белгилари ҳам ўзимизнинг қуроқ, икат, адрас ва атлас матоларидан фойдаланиб, ўз мода уйлари бисотини бойитишмоқда. Биз эса ўзимиз билмаган, таг моҳиятига етмаган ва ҳатто тушунмаган номлар билан кўчаларимизни тўлдиряпмиз, миллионлаб маблағ сарфлаб, бизнесимизга ўзбекона ном беришга уяляпмиз.

Энг ачинарлиси эса, дўконлардаги реклама баннерлари, шиорлари (расмда ҳам шундай) ҳам ажнабий тилдаги тушунтиришлар билан тўла. Нега уларда ўз тилимизда эмас, «платья, шарфы» деб ёзилган. «Arab fashion»дан ҳам абаялар ёки рўмолларни ажнабийлар сотиб олишяптими?

Саволларимга жавоб ахтариб, яна озроқ юрсам, гўё бошқа давлатга тушиб қоламан: Қибрай ёхуд Бўстонликдаги пештахталарга катта ҳарфлар билан «Рублевка», «Арбат» деб ёзиб қўйишибди. Йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмайсан...

Ўйлай ўйимга етолмайман: хўш, бошқа мамлакатларда ҳам ўзбекча номланган дўкон, ўзбекча шиордаги маҳсулотлар бормикан? Бўлиши мумкин, лекин миллиондан биттасида учрар...

Туркия, Корея, Япония ва Европада ҳам шундай. Чунки улар ўз тили, ўз миллатини қадрлайди, ҳурмат қилади, биздек ўз тилидан уялмайди. Сайёҳларга она тилини унутиб, янглиш бўлсада кулгига қолиб, ялтоқланмайди. Улар «Менинг мамлакатим, менинг тилимда гаплаш, истасанг мени тушун, истамасанг тушунма» дейди, тамом, вассалом.

Тил билиш яхши, албатта. Лекин ўз тилидан уялиб, уни оёқости қилишгача боришдан кўра, тил билмаган маъқулроқмикан, билмадим? Шулар ҳақида ҳаддан зиёд кўп ўйлайман… Сизнинг бу борада фикрингиз қандай?

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири раҳматли Эркин Воҳидовнинг қўйидаги мисралари ёдимга тушади ва Устоз қанчалик ҳақ бўлганларини ҳис қиламан…

Ўрис бўлдик русдан зиёда,
Муслим бўлдик арабдан ортиқ.
Бирни топсак ёруғ дунёда,
Ўн каррани қиламиз тортиқ.

Ичдик, чекдик, шўро юртида,
Ўздик барча оғалардан ҳам.
Юзсизликда ошмасак бўлди,
Овропалик тоғалардан ҳам.

Мен кўп китоб, адабиёт ўқийман. Кавказдаги кичик халқларнинг ўзлигини ҳурмат қилишига, японлар ёки корейсларнинг ўз миллийлигини чуқур ардоқлашига қойил қоламан ва улардан кам жойимиз йўқ, деб ҳисоблайман.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА

«ИСЛОМ ДИНИНИНГ ГУМБАЗИ»



Бухорода "Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ Ренессанси ҳамда ислом фалсафаси илмий назарий асосларини яратишдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Қадим Бухоро заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, дунёвий ва диний илмларнинг улуғ намояндалари инсоният тарихида жуда катта из қолдирган. Ана шундай буюк алломалардан бири Абу Ҳафс Кабир Бухорий саналади. Унинг ислом оламида Бағдоддаги "Низомия" мадрасасидан икки юз йил олдин – 810 йилда Бухорода олий мадрасалар, яъни университетларга асос солгани, унинг залворли хизматлари туфайли Биринчи Ренессанс даврида Бухоро "Қуббатул Ислом", яъни "Ислом дининнинг гумбази", деган шарафли унвонга сазовор бўлганлигини, Имом Бухорийнинг устози эканлигини ва Имом Бухорий ҳам Абу Ҳафс Кабир асос солган мадрасада таҳсил олганини эътироф этиш мумкин.

Анжуманда эътироф этилганидек, ислом дининнинг бугунги Ўзбекистон заминида қарор топган шакли ўзининг тараққийпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари билан ажралиб тургани сабабли ушбу заминда юксак иқтисодий, маданий ва илмий тараққиёт юз берди. Ушбу цивилизациянинг вужудга келишида Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг хизматлари беқиёс. Абу Ҳафс Кабир – Имом Ҳожатбарорнинг Бухорода туғилиб, ислом оламига шу заминдан танилгани, унинг ибратли ҳаёти, бой диний ва маънавий мероси ҳам бу тарихий жараёндан истисно эмас.

Айни жиҳатларни анжуманда онлайн иштирок этган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш маркази Бош директори илмий маслаҳатчиси, профессор Аширбек Мўминов (Туркия), Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Департамент бошлиғи, профессор Башир Аҳмад Ансорий (АҚШ), Мичиган университети профессори Темурхўжа Усмонхўжа (АҚШ), Қоҳира университети профессори Убайд Муҳаммад (Миср), Жавоҳарлаъл Неру университети профессори Ахлоқ Аҳмад Оҳан (Ҳиндистон) ва бошқа етакчи олим ва экспертлар ҳам тилга олиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросининг маънавий тараққиётини таъминлашдаги роли ва жаҳолатга қарши курашдаги ўрни, Абу Ҳафс Кабир Бухорий Фақиҳлар академияси, унинг Шарқ Ренессанси, Ислом фалсафаси ва ҳуқуқининг илмий назарий асосларини яратишдаги аҳамияти ҳақида ҳам сўз борди.

ЎзА

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№23 (1172)
22 июнь 2022 йил, чоршанба

Ҳикмат

ЭНГ ЯХШИ УЧ НАРСА

Ануширвон ҳузурига узоқ-яқиндан олимлар келибди. Ануширвон вазири Бузургмеҳрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида саволга тутибди:
– Эй вазир, айт-чи, дунёдаги энг яхши нарса нима?
– Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нима йўқ, – дебди Бузургмеҳр.
– Нима экан улар?
– Аёл, ўлим ва эҳтиёж. Ануширвон бу жавобдан ҳижолат бўлибди ва вазир бемаъни гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Бироздан сўнг қулай фурсат топиб: "Бу нима деганинг, тушунтириб бергин",– дебди.
Шунда доно вазир Бузургмеҳр:
– Эй шаҳриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отангнинг салтанати сенга тегармиди ва эҳтиёж бўлмаганида менга ўхшаган олим сенга вазир бўлармиди? – дебди. Бузургмеҳрнинг бу жавобига йиғилганлар қойил қолишибди. Ануширвон эса унга кимхоб тўн кийдирибди.

"Шарқ ҳикоят ва ривоятлари" китобидан

Сабоқ

ОДАМ БОРКИ ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР...

Абдул Саттор Эдхи тарихда сахийлиги, инсонпарварлиги билан ном қолдирган. У бутун умри давомида 20 мингта қаровсиз болаларни яхшироқ ҳаётга қайтишига, 50 мингта етим болани боқиб олишга эришади. Шунингдек, у беморларга чин дилдан ёрдам бера оладиган 40 мингта ҳамширанинг ўқишига ёрдам берган сахий инсон бўлган.

Эдхи тузган фонди йириклашиши натижасида у дунёдаги энг катта тез ёрдам хизмати марказини тузади, бепул даволайдиган шифохоналар, болалар ва қариялар уйлари, оғир аҳволга тушиб қолган аёллар ва ногиронларга реабилитация марказлари қурдиради. Унинг ёрдамида минг-минглаб одамлар мушкули осон бўлади, уни чексиз дуолар қилади. Эдхи одам, дин, мансаб, табақа ажратмайдиган инсон бўлган. Уни Покистоннинг «Тереза отаси» деб ҳам аташган. У бутун умри давомида фақат иккита костюм кийган ва ўзи тузган фонддан ҳеч қачон ойлик олмаган экан. Ажабланарлиси, у фонд пулини ўзига ва қариндош-уруғига ишлатмаган. Эдхининг – «Қачонки сизлар шоҳона ҳашаматда яшашни бас қилмас экансизлар, ҳаётнинг асл маъносини ҳеч қачон топа олмайсизлар», деган сўзлари Покистонда ҳозир ҳам жуда машҳур иборалардан саналади.

2009 йил ЮНЕСКО ташкилоти Абдул Саттор Эдхига Манаджит Сингх номидаги мукофотни топширади. Эдхи бу мукофотга тоқатлилиги (толерант), зўровонликка, жоҳилликка қарши курашганлиги учун лойиқ кўрилган. У 2016 йил 88 ёшида оламдан ўтган. Бу инсон ҳатто ўлимидан олдин ўз ички органларини муҳтож касалларга васият қилиб кетган экан. Эдхини сўнгги йўлга юз минглаб одамлар кўзларида ёш билан кузатишади.

Бону АБДУВАЛИЕВА тайёрлади.

«БИТТА КУЛДИРИНГ»

Анча йил илгари Эркин Воҳидов билан олис қишлоқлардан бирига бордик. Йўл бошловчимиз аллақандай тўйга олиб кирди. Чоғроқ хонада ўтирганларга бизни таништиришди. Содда одамлиги, бунинг устига жиндай «отиб олгани» кўриниб турган биттаси Эркин акага қараб-қараб қўйди-да, сўради:
– Акун, сиз шоирми?
Эркин ака камтарлик билан «ҳа, энди», деб гап бошлаган эди, бояги одам астойдил илтимос қилди:
– Унай бўлса, бир кулдиринг! Эркин Воҳидов нима дейишини билмай қолди.
– Шоир акангиз сизни кулдиришлари мумкин, – дедим жиддий оҳангда. – Аммо жиндай оворагарчилиги бор-да. Дўхтир керак. Таниш дўхтирингиз борми?
– Бор, – деди ҳалиги одам. – Ҳамсоямиз тиш дўхтир.
– Тиш дўхтир бўлмайди, – дедим тушунтириб. – Невропатолог керак. Аввал сизни яхшилаб текширади. Қаерингизни қитиқласа кулишингизни аниқлайди. Қўлингизга испарапка ёзиб беради. Ўша испарапкани олиб келсангиз...
– Шошманг! – деди Эркин ака гапимни бўлиб. – Укол-чи, укол? Аввал учтагина укол қилдирадилар. Кейин ангина бўлса уни олдириб ташлайдилар. Ундан кейин кўричакни кестирадилар. Яна битта шарти бор. Яқинда биттасини кулдирган эдим, қитиғи ёмон экан, ҳушидан кетиб қолди. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши ёнларида тўрттагина дўхтир бўлиши керак.
Бояги одам каловланиб ўрнидан турди.
– Иби! – деди эшик томон юриб. – Унай бўлса, бу дафъа кулдирарсиз.
Даврадагилар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.
– Ана! – деди бояги одам остонада тўхтаб.
– Испарапкасиз ҳам кулдираркансиз-ку!

Ўткир ҲОШИМОВ

«САБАНТУЙ»

қадимий меҳнат маросими

Пойтахтимиздаги «Central Park» марказий боғида татар-бошқирд халқларининг «Сабантуй» – дўстлик, меҳнат, санъат ва спорт байрами бўлиб ўтди. Жараённи яқиндан кузатиш эса кишида ўзгача таассурот қолдирди.

Боғда шўх қўшиқ, рақслар янгради. Спорт мусобақаси, қизиқарли ўйинлар, халқ амалий санъати кўргазмаси, миллий таомлар намойиши ва бошқа кўплаб дастурлар ташкил этилди. Ўзбеклар, татарлар, бошқирдлар тили, дини, маданияти бир қардош халқлардир. Бугун 300 мингга яқин татар миллатига мансуб юртдошларимиз ўзбеклар билан бирга аҳил-иноқ яшаб келмоқда. «Сабантуй» эса қардошликни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу байрамнинг келиб чиқиши қадимги даврларга бориб тақалади ва бу янги йилда яхши ҳосил олиш ва унумдорликни ошириш учун ташкил этиладиган маросим саналади. Бу байрам биринчи марта 921 йилда Бағдоддан элчи сифатида Болгарияга келган араб сайёҳи Ибн Фадлан томонидан тасвирланган. 1979 йилда Татаристоннинг Алкеев вилоятида Ф.С.Ҳакимзянов 1292 йилга оид булғорлар даврига тааллуқли ягона эпитафияни топди ва унда «Сабан туж кон ати» - «Сабантуй куни» ёзуви мавжуд бўлиб, бу ўтган асрда ҳам Сабантуй байрами нишонланганлигини кўрсатади.

ЎзДЖТУ талабаси Сабина КАРИМОВА тайёрлади.

ОНАЖОН

Топмоқ йўқотмоқдир, йўқотмоқ топмоқ.
Сен сўлиб, мен яшнаб тўлишимга боқ.
Сенсиз топганимдан кўпроқ йўқотдим,
Сен мени юпатдинг, сени йиғлатдим.
Сен мени яратдинг, сени тугатдим.
Уялмай она деб келишимга боқ!

Соғинч ҳақда шеърлар ёздим ўзимча,
Мендан пешонангда доғлар тизимча.
Ўғил бўлмай ўлай, аттанг, минг аттанг,
Қиз туғсанг нетарди, кўпроқ қиз туғсанг.
Тиргак бўлолмадим битта қизингча,
Уялмай шоирман дейишимга боқ!

Жонингдан айланай тургин жонажон,
Йўл қараб бўлдими жигаргинанг қон?
Боқма кўзларимга бемажол, хаста,
Мени топганларим гулми бир даста.
Йўқотганим... Йўқотганим энди сенми онажон,
Ўз этимни ўзим ейишимга боқ!

Билсанг... Билсанг юрагимни бир алам элар,
Буюрсанг қўлимдан келмайди нелар.
Айт, пичан йиғайми, ўтин ёрайми,
Ерни ҳайдайинми, кўк ағдарайми?
Итдек оёғингга суйкалгим келар,
Учиб-учиб мана қўнишимга боқ!

Ҳеч нарса керакмас, болам ҳеч дейсан,
Энди кеч дейсан-да, энди кеч дейсан.
Юзимни босаман муздек юзингга,
Онажон зор қилиб кетма изингга.
Ўлим олдида ҳам ғамимни ейсан,
Мен-чи жим тақдирга кўнишимга боқ!

***

Шеърим битди, хайр дўстлар, хуш қолинг,
Бедил яшамакка ўрганманг мендек.
Боринг, волидангиз кўнглини олинг,
Эртага кеч қолиб ўртанманг мендек.

ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,
Олтинларим, маъданларим, ипакларим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,
Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,
Катта миллат — Афандиси йўқдир ҳатто,
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОЕВ,
Равшан МАҲМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 616
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 04:20

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

123456